

ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ШАХС ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ҲИССАЛАРИ

Б.И.Арзиева – мустақил тадқиқотчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: шарқ алломалари, шахс, жамият, фармон, ҳуқуқ, маданият, концепция, қонун, таълим, одоб, ахлоқ, тарбия, мактаб.

Ключевые слова: востоковеды, личность, общество, указ, право, культура, концепция, закон, образование, воспитание, этика, школа.

Key words: orientalists, human, society, decree, law, culture, concept, right, education, ethics, education, school.

Ўрта асрлар Шарқ тарихи шундан далолат берадики, маданият ва таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат ва архитектура соҳаларидаги бекиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янгидан-янги истеъдодли авлодлар тўлкинининг пайдо бўлиши ва вояга етиши – буларнинг барчаси биринчи навбатда иқтисодиёт, қишлоқ ва шаҳар ҳўжалигининг анча жадал ўсиши, ҳунармандлик ва савдо-сотикнинг юксак даражада ривожланиши, йўллар қурилиши, янги қарвон йўлларининг очилиши ва авваломбор нисбий барқарорликнинг таъминланиши баробарида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга ҳам эҳтиёж кучайган.

Маълумки, ўша даврларнинг анъаналарига кўра, маърифатпарвар мутафаккир ва файласуфлар, олимлар ва шоирлар одатда ҳукмдорлар ва султонлар саройларида паноҳ топганлар. Улар орасида IX-XI асрларда Хивада ташкил этилган Маъмур академияси ва "Байтулҳикма", яъни "Донишмандлик уйи" деган ном билан шўхрат қозонган Бағдод академиясида, шунингдек, XV асрда Самарқандда шаклланган Мирзо Улўғбекнинг илмий мактабида самарали меҳнат қилган бир гуруҳ олимлар бутун дунёга донг таратдилар [1:512].

Шарқ мутафаккирлари ҳуқуқ илмига асос солиш билан бир қаторда жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришига ҳам алоҳида эътибор қаратганлар. Бугунги кунда инсоният олдида янги, глобал муаммолар пайдо бўлмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал этиш интеллектуал салоҳиятнинг ҳар томонлама ўсишини, кўп асрлар мобайнида вужудга келган қонунларни қайта идрок этиш ва янгича баҳолашни, бизни қуршаб турган борлиқни кенг миқёсда ўрганиш бўйича чуқур илмий тадқиқот ва тажрибалар олиб боришни тақозо этмоқда.

Маълумки мутафаккир алломаларимиз қомусий билимларга эга бўлган. Шунинг учун ҳам аждодларимиз ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданиятни пухта ўзлаштириш йўлларини тақлиф қилганлар, ҳар бир мадрасада фикҳ илми ёшларга чуқур ўргатилган. Ўрта Осиё ва яқин Шарқда фикҳшунос олимларнинг катта армияси етишиб чиққан уларнинг сирасига: Абу Лайс Самарқандий (987-1191), Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собит ал-Кўфий (699, Кўфа— 767, Бағдод), Имом ал Бухорий (810-870), Ат-Термизий (824-892), Хафси Кабир Бухорий Абу Бакр Шоший Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Тадёний (767-832), Абу Зайд Убайдулло Дабусий (973-1039), Имом Алоуддин Муҳаммад ибн Аби Аҳмад ас-Самарқандий (987-1191), Бурҳониддин Марғиноний (1123-1197), Алоуддин Абу Бакр ибн Аҳмад ал-Косоний (1146-1148), Ҳаммад ибн Шокир ан-Насафий IX асрда Насафда ҳадисшунослик ва фикҳшунослик мактаблари вужудга келган. X асрда яшаган, Абул Муъйин ан-Насафий (1027-1114) ларни киритиш мумкин [2:420].

Ҳуқуқий илм ва ҳуқуқий тарбия ўзининг узок давом этган тарихий тараққиёт босқичларини босиб ўтган. Мовароуннаҳрда яшайётган фикҳ илми намоёндалари ҳам ҳуқуқий билимлар ва ҳуқуқий таълим тарбия тараққиётига алоҳида ҳисса қўшганлар. Мовароуннаҳрда шаклланиб ривожланган фикҳ мактаблари ўзбек халқи тарихий тараққиёти ва ҳуқуқий маданияти ривожига ўзига хос тарзда ҳисса қўшган. Ҳадисларда инсон ҳақ-ҳуқуқи ахлоқий маданиятнинг таркибий қисми бўлган

ҳуқуқий маданият тарғиб қилинган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳуқуқшунослик ва ҳуқуқий маданият масалалари билан ҳуқуқшунос ва жамиятшунос олимлар, табобат соҳаси ходимлар, биолог, химик ёки адабиётшунос олимлар ўз соҳаларига доир муҳим қирраларни кашф этадилар. Улардан бири йирик ҳуқуқшунос Имоми Аъзам, Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собит ал-Кўфий (699, Кўфа— 767, Бағдод) - ҳанафийлик мазҳаби асосчиси. Илоҳиётчи, фақиҳ, муҳаддис бўлган Абу Ҳанифа ёшлиқдан илмий муҳитда камол топди. Унинг отаси бадавлат инсон бўлиб, ўз бойлигини илм йўлида сарфлаган. Абу Ҳанифа мантиқ илмини алоҳида қизиқиш билан ўрганди. 22 ёшида ироқлик илоҳиётчи Ҳаммад ибн Абу Сулаймонга шогирд тушган. Кейин Қуф ва Басранинг энг обрўли фақиҳи бўлиб етишди. У ҳуқуқий таълим беришнинг энг осон усулларини излаб топган ва қўллаган. Имоми Аъзам диний соҳа билан бир қаторда фикҳ илми ҳақида бир қатор асарлар ёзган. Улар: «Китоб аш-шурўт» («Шартномалар ҳақида китоб»), «Китоб ал-фароиз» («Мерос илми ҳақида китоб»), «Китоб ал-олим вал-мутааллим» («Устоз ва шогирд ҳақида китоб»), «Китоб ал-фикҳ ал-акбар» («Катта фикҳ китоби»), «Китоби ал-васия» («Васиятнома китоби») ва бошқалар. Имоми Аъзам фақиҳларнинг устози. Ўрта асрда Абул Муъйяд Муҳаммад ибн Маҳмуд Хоразмий Имоми Аъзам муснадларини жам қилиб, яхлит китоб шаклида Мисрда (1326 хижрий (мил. 1907) чоп этган.

Йирик ҳадисшунос, фикҳ илми ва жамият аъзолари орасида ривожлантириш соҳасида фаолият кўрсатган яна бир аллома Имом ал-Бухорийдир. (810 йил, Бухоро - 870, Самарқанд) Унинг отаси жуда билимли бўлган. Ал-Бухорий болалик чоғидаёқ унинг отаси вафот этган. У онасининг қарамоғида бўлган. Бухорийнинг онаси зиёли бўлиб, ўғлининг илм олишида жуда қаттиқ ҳаракат қилган. Бухорий зукко ҳамда ўз ёши учун ноёб хотирага эга бўлиб вояга етди. 7 ёшида Қуръонни тўлиқ ёдлаб бўлган эди, 10 ёшида эса қатор минглаб ҳадисларни билар эди. У 16 ёшида Маккага боради ва шу ерда 4 йил қолиб кетади. Мадинадаги Масжидул Набавияда 16 йил яшайди. Шу вақт мобайнида у Пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ) ва уларнинг саҳобаларининг ишлари ва сўзлари ҳақидаги ишончли ҳадисларни ўрганган ва уларни тўплаган [3:4].

Ал-Бухорийдан бизга ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий таълим соҳасида улкан мерос қолган. Ушбу мерос унинг асарлари “Ал-асмоъ вал-луна”, “Ат-тарих ал-кабир” (Буюк тарих), “Ас-сунан фи-л-фикҳ”, “Халқ аф ал-ибод” қабиларда жамланган.

Фикҳ, яъни ҳуқуқшунослик илмига муносиб ҳисса қўшган яна бир алломаларимиздан бири Абу Зайд Убайдулло Дабусий (978-1039). Бухоронинг етти машҳур қозиси (қуззоти сабъа)дан бири бўлган. У Бухоро ва Самарқанд ораллиғида жойлашган Дабусия қишлоғида 978 йилда туғилиб вояга етган ва 1039 йил Бухорода вафот этган. Дабусий фикҳ илмини икки буюк фақиҳлар Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл Бухорий ва Абу Бакр Жассоснинг шогирди бўлмиш Абу Жаъфар ибн Абдулло Устўршанийдан ўрганиб, фикҳ, усул ул-фикҳ, ҳилоф, жадал ва тасаввуф илмлари бўйича иқтидорли олим ҳисобланган. У ўз даврининг таникли ҳуқуқшунос олимлари билан баҳс олиб борган. Абу Зайд Дабусий ҳуқуқ ва ҳуқуқий тарбия илмига оид қимматли

асарлар мваллифи ҳисобланган. У “Илм ул-хилоф” (хилоф илми) – ислом ҳуқуқи бўйича киёсий ҳуқуқшўнослик фанига асос солган. Унинг ҳуқуқ ва ҳуқуқий тарбияга оид қўидаги асарларни яратган: “Таъсис ун-назар” (Қарашларни асослаш), “Такзим ул-адилла” (Далилларни баҳолаш), “Китоб ул-асрор фи-л-усул ва-л-фурӯв” (Фикх илми асослари ва тармоқлари сирлари ҳақида китоб), “Ал-Амад ул-аксо” (Энг олис мақсад), “Хизонат ул-худо” (Хидоят ҳазинаси), “Шарх ал-Жомий ал-қабийр” (Жомий ал-қабирнинг шарҳи), “Ал-Анвор фи усул ул-фикх” (Фикх асосларини очувчи нурлар), “Ан-Нузум фил-фатово” (Фатволардаги тартиб-қоидалар), “Тажнис ул-Дабусий” (“Дабусийнинг тартиб ва таснифи”), “Ат-Таълика” (“Хошия”) қабилар. Дабусий мазҳаб соҳасида ижтиҳод ва таҳриж (ҳуқмларни манбадан чиқариб олиш) салоҳиятига эга бўлган. У Марказий Осиё ҳуқуқшўнослари орасида ўзининг илмий услуби ва фалсафий тафаккури билан ажралиб турган ва шўхрат қозонган. Дабусий фикх илми тараккиётга мўносиб ҳисса қўшган ва юксак илмий аҳамиятга молик асарлари билан машҳур бўлган. Абу Зайд Дабусий ҳуқуқ тараккиётида ўзига хос бурилиш ясаган олим бўлган.

Ўз замонасининг барча соҳа илмларини билган, жумладан ҳуқуқий ва ҳуқуқий тарбия илми ривожига катта ҳисса қўшган, дунёга кенг танилган Абу Наср Фаробийдир (873-950). Абу Наср Фаробийнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимоти Ўрта асрларда қонунчилик асосларини такомиллаштириш янги ғоялар билан бойитишга оид фикрларини ўз ичига олади. Абу Наср Фаробийнинг ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданиятга оид қарашлари унинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида мужассамлаштирилган. Абу Наср Фаробий муайян давлатда адолат ва ахлоқ қонуниятларининг вужудга келиши ва амал қилиши ҳақида ҳам ўз қарашларини баён қилган. Абу Наср Фаробийнинг давлат ҳуқуқий ва ҳуқуқий тарбияга оид қарашлари бугунги кундаги демократик тамойилларига мувофиқ келади. У давлатни бошқариш тамойилларини ҳам тизимлаштиришга муваффақ бўлган. Унинг ҳуқуқ ва ҳуқуқий тарбияга оид қарашлари бизнинг давримиз учун ҳам ниҳоятда қимматли бўлиб демократик давлат қуриш асосларини мустаҳкамлашда амалий тавсия бўла олади.

Мовароуннаҳрда ислом қонуншўнослиги ва ҳуқуқий тарбияга мўносиб ҳисса қўшган олимлардан яна бири буюк имом Абу Бакр Каффол Шошийдир (1038-1114). У ўз вақтида Бағдоддаги ҳуқуқшўносларнинг пешвоси бўлган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший

Бағдоддаги машҳур «Низомия» мадрасасида таҳсил олиб, унинг мударриси бўлган. У бу ерда кўп таниқли олим ва алломалар билан мулоқотда бўлган. Йирик файласуф Абу Хомид Ғаззолий (1059-1111), Абу Исҳоқ Шерозий (ваф. 1083), Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шошийлар бир вақтда мана шў «Низомия»да дарс берганлар. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шошийдан фикхга оид бир қанча асар ёзиб қолдирган. «Ар-рисола» асарида фикхнинг асосий түшүнча ва белгиларини биринчидан бўлиб ёрқин таърифлаб ҳамда «усул ал фикх» илмига асос солган. «Аш-Шофий» («Шифо берувчи») бў асарида ҳам Аҳмад Шоший ҳам фикх (қонуншўнослик)га бағишлаган [4:21-26].

Ҳуқуқшўнослик илмини йирик эгаллаган Бўрхонуддин Марғинович (1123-1197) Фарғонанинг Риштон шаҳрида туғилган. Марғинович ҳаётининг асосий қисмини фикх илми ва ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга бағишлаган. Марғинович ҳуқуқшўнослик илмига бағишланган “Бидаятул Мубтадий”, “Кифаятул мунтахий”, “Нашрүл мазҳаб”, “Китабул мазид”, “Маносиқул ҳаж”, “Мазид фи фурӯвүл ханафий”, “Китабул тажнис вал мазид” каби асарларнинг мваллифи ҳисобланади. Марғиновичнинг ҳуқуқ ва ҳуқуқий тарбияга бағишланган машҳур асари Самарқандда 1178 йилда 57 та китобдан ташкил топган ва бўлимларга ажратилган 4 жилдли “Хидоя” китобидир. У китобнинг ҳар бир жилдини ислом қонунчилигининг муайян масаласига бағишлаган. Мваллиф ушбў китобда ўз фикрларини Қуръони Карим, Хадиси шарифлар ва ўзигача яшаб ижод қилган фикхшўносларнинг қарашлари билан далиллашга ҳаракат қилган. “Хидоя” китоби оила, никоҳ мўносабатлари, савдо-сотик, закот, солих қонунчилигига бағишланган. Шў билан бир қаторда унда вақф, мүлкдор ва фуқаролик ҳақ-ҳуқуқлари ҳам ёритилган. Асарда ҳуқуқбўзарликка қарши қўрашиш, исботловчи далиллар келтириш, суд-ҳуқуқ тизими, жиноятнинг түрлари, гўвоҳлар ва сохта гўвоҳлар шаҳодати ҳақида илмий асосланган фикрлар баён этилган. Шўнингдек, асар пўл мўносабатлари, боғдорчилик, дехқончилик, ерга эғалик қилиш, мерос мүлклари билан боғлиқ мўаммоларни қамраб олган. “Хидоя”, бошқа фикхий манбалардан манتيкий мавзўлар бўйича тартиблангани билан фарқ қилади. Бў ноёб ҳуқуқий қонунлар аждодимиз Имом Марғинович вафот этганидан кейин ҳам минг йил давомида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Унинг иши олимлар томонидан чўқур ўрганилган ва кўплаб маротаба шарҳлар ёзилган. чўнки унда жўда мүҳим ва долзарб мўайян ҳаётий масалалар ҳал этилган бўлиб, ҳозиргача амалий қўлланма сифатида фойдаланилмоқда.

Адабиётлар

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2006, 512-б.
2. Педагогика энциклопедияси. 3 жилд. 420-б.
3. Тошқулов Ж. Ўзбекистон халқлар сиёсий – ҳуқуқий фикрлари тарихидан. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996. 4-б.
4. Tadjixanov U., Saidov A. Huquqiy madaniyat nazariyasi. –T.: 1998. История политических и правовых учений. Учебник для вузов. Изд. 2-е. Под общ.ред. В.С. Нерсисянца – М.: 1999. – С.40.

РЕЗЮМЕ. Ушбў мақолада шарқ алломаларининг шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдаги ҳиссалари, сиёсат, таълим жараёнида ҳуқуқий маданият ривожланиши, тарихи ва шаклланишининг ижтимоий-педагогик назарий асослари ҳақида сўз юритилган.

РЕЗЮМЕ. В данной стране говорится о вкладе восточных ученых в формирование правовой культуры личности, социально-педагогических теоретических основ развития, истории и становления правовой культуры в процессе политики и образования.

SUMMARY. This country speaks about the contribution of Eastern scientists to the formation of the legal culture of the individual, the socio-pedagogical theoretical foundations of development, history and the formation of legal culture in the process of politics and education.